

Поезд Бухорогача 7000-8000 сўм.

20:50 / 27.04.2016 3121

Мен асли Бухороликман. Поезд Бухорогача 7000-8000 сўм. Лекин ҳар сафар уй бориб келиш учун шунча пул топиш қийин. Шу сабабдан одатда биз проводника 3000 сўм берамиз. Ва чиптасиз, поездда кетамиз. Айтингчи, бу пора беришга кирадими ва бундай вазиятда қандай йўл тутиш керак?

Бу ерда демак, поезд маълум бир тарафнинг мулки, поездни тутиб туриш, уни ишлатиш ва мана шу жараёндан маълум бир миқдор даромад топиш нияти билан уни юритаётган бўлади. Ана шу маънода чиптага баҳо ҳам қўйилган бўлади, бу саволда айтганидек 7000 ёки 8000 маъносида. Поездга молик, эга бўлган тараф мана шу асосда иш юритса бардавом бўлиши, кўпчиликнинг узоғи яқин бўлиши, ўзи ҳам фойда топиши бу ҳақли суратдаги нарса. Энди поездга эга бўлган тарафни билимисиз, ундан яшириб, поезддаги баъзи-бир хизматчилар одатдан ташқари, поезд эгасининг ҳаққига хиёнат қилиб, бошқалардан камроқ пул олиб, поездга чиқариши албатта тўғри эмас, нотўғри иш ҳисобланади. Мана шу ишни қилувчилар ҳам айбдор ҳисобланади, чунки мана саволда билиниб турибди. Поезд кимники, қилинаётган иш қанақа, шундан кўнгли тўқ бўлмаганлигидан, мана шу иш нотўғри эканлигини қалби сезаётганлигидан савол берилган. Демак, бу иш тўғри эмас, чунки ҳалиги эганинг илми йўқ, розилиги йўқ ундан яширилаяпти. Шунини ўзи бу ишни нотўғрилигини кўрсатиб турибди. Агар тўғри бўлганда, ҳақ бўлганда яширишмас эди. Бу ишларга ўрганиб қолиб, оммалашганда бутун жамият катта зарар тортади. Мана шу савол эгасини айтган гапи оммалашиб кетса, кўпчилик чипта олишдан қочиб проводникка озгина пул бериб мақсадини ҳосил қилаверса, поездни тутиб турган зарар кўради. Сарф-ҳаражати қопланмайди, аста-секин келиб синади ва поезд юриши тўхтади. Энди 3000 сўмга бориб келиш ҳам йўққа чиқади. Бир одамники эмас, бутун бир қатновдаги қатнайдиган йўловчиларнинг иши орқага кетади, мана шу тарафларни ҳам ўйлаш керак. Ундан кейин, шариатда бир нарсани эгасини алдаб туриб ундан фойдаланиш мутлақо мумкин эмаслигини унутмаслигимиз лозим ва лобуддир.